

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Д.Анваров	
“Бобурнома” асарида Эсан Давлатбекимнинг Фарғона водийси жараёнларидағи тасвири..	167
М.Жўраев	
Ўрта Осиё туркий халқлари астромифологиясида оқбўзот ва кўкбўзот юлдузлари.....	170
З.Рахимов, Д.Гуломов	
Романда ассоциатив сюжет.....	174
М.Ғаниев	
Ўзбек насрода тарихий роман генезиси ва ривожи.....	176
М.Хамидов	
Романларда Машраб образи билан ёндош тарихий шахслар	180
Р.Умурзаков	
Мумтоз адабиёт намуналарида бола образи ва давр руҳи	186
И.Саймуратова	
Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бош қаҳрамон масаласи	190
Д.Тўраева	
Бадий ижодда онгли ва интуитив ҳолатлар	195
Н.Бўриева	
Уилям Шекспир сонетларининг бадий хусусиятлари	200
Н.Ҳамраев	
Нодавлат телеканаллар медиамаҳсулотлари номланишининг ўзига хос хусусиятлари	204
Х.Убайдуллаев	
Турли тиллардаги фразеологизмларнинг эквивалентлари ҳақида	208
М.Батирханова	
Соматик фразеологизмларнинг таснифлаш масаласига доир.....	211
Ш.Хасанова	
Расмий иш услубининг лексик ва фразеологик хусусиятлари.....	214
Г.Турдиева	
Лингвокультурология замонавий лингвистик таълимот сифатида.....	217
Л.Галимуллина	
Инглиз тилида фразеологик бирликларда учрайдиган қимматбаҳо тошлар ва металларнинг рамзий аҳамияти.....	221
Н.Гофурова	
Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг структурал - семантик таснифи	226
У.Маҳмудова	
Тилшуносликда реклама мустақил дискурс сифатида	229
З.Акбарова	
Концепт ва лисоний онг	233
З.Тожиматова	
Ўзбек адабиётидаги илк аёл ижодкорлар ва уларнинг ўрганилиши.....	235
Х.Хусамбоева	
Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда рейтинг индикаторларининг аҳамияти	238
<hr/>	
ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ	
Адабиётимиз фидойиси	241

фани билан алоқадорлиги масаласидир. Яъни бир мавзу, бир давр, бир тарихий ҳужжат моҳиятини тарих фани ҳам ўрганиши, ўз хulosасини айтиши мумкин. Айни чоғда ўша давр, ўша тарихий воқеа, шахс, ҳужжат ҳақида тарихий роман жанри ҳам ҳукмини чикариши табиий. Фарқи: бирида тавсифлаш, бирида тасвирлашдир” [7,74-75].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosса қилиш мумкинки, учала романдаги тарихий шахслар талқинидаги тарихий ҳақиқат

ёндош образлар тасвирида қандай бадиий ҳақиқатга айланганлиги ёзувчиларнинг манбаларга ёндошиш услуги билан боғланиб кетган. Агар Ҳ.Ғулом Машраб севгилисини наманганлик қиз сифатида илк бор тасвирлаб оташқалб шоирнинг Кошғарга отланишини севги мотиви билан боғлаб тўғри қилган бўлса, Шуҳрат Бозор охунд образи талқинида мувофақиятга эришган. Ҳ.Бегматов Оғоқхўжа эшон образи талқинидаги ҳаётийликни таъминлаб натижаларга эришгандир.

Адабиётлар:

1. Ёқубов О. Сўз. Биринчи китоб. – Т.: “SHARQ” нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти.
2. Ҳамид Ғулом. Машраб. Роман // “Шарқ юлдузи” журн., 1981 йил 1-сон.
3. Шуҳрат. Танланган асаллар. – Т.: “SHARQ” нашриёти матбаа акциядорлик компаниясининг Бош таҳририяти, 2018.
4. Бегматов Ҳ. Девона Машраб. Роман. – Т.: “Шарқ” нашриёти – матбаа акциадорлик компанияси Бош таҳририяти, 2005.
5. Ҳамид Ғулом. Машраб. Роман // “Шарқ юлдузи” журн., 1981 йил 2-сон.
6. Ҳамид Ғулом. Машраб. Роман // “Шарқ юлдузи” журн., 1981 йил 3-сон.
7. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори)

МУМТОЗ АДАБИЁТ НАМУНАЛАРИДА БОЛА ОБРАЗИ ВА ДАВР РУҲИ
ОБРАЗ ДЕТЕЙ И ДУХ ВРЕМЕНИ В ОБРАЗЦАХ КЛАССИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ
THE IMAGE OF CHILD AND AGE SPIRIT IN MODELS OF CLASSIC LITERATURE

Р.Умурзаков¹

¹ Р.Умурзаков

– ФарДУ таянч докторанти.

Аннотация

Мақолада ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридағи бола образи тадрижий ҳолатда таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнда бола образининг шаклланишига давр руҳи ва ижтимоий муҳит таъсири ўрганилган.

Annotation

In this article the image of a child in Uzbek classic literature is analyzed. While analyzing the influence of the age spirit and social environment on the forming of the child's image is studied.

Annotation

The image of a child in Uzbek classic literature is analyzed in the article. While analyzing the influence of the age spirit and social environment on the forming of the child's image is studied.

Таянч сўз ва иборалар: бола образи, қисса жанри, қиссачилик анъаналари, психологиязм, сўз психологияси, психологик тасвир, руҳий эркинлик, биогенетик омил, социогенетик омил, автобиографик характер.

Ключевые слова и выражения: образ ребенка, жанр повести, традиции повествования, психологизм, психология слова, психологическое описание, духовная свобода, биогенетический фактор, социогенетический фактор, автобиографический характер.

Keywords and expressions: image of a child, story genre, tradition of narration, psychologism, tradition of poem writing, psychological description, spiritual freedom, biogenetical factor, sociogenetical factor, autobiographic character.

Чинакам ижодкорнинг дахлсиз дунёсини туб-тубигача теран англаш мумкин эмас. Ҳақиқий ижодкор ўзлигини, дунёни бошқача кўриш эҳтиёжини санъат воситасида шундай намоён этадики, бу пиистирмани усталик билан айланиб ўтаетган суворийга ўхшайди. Ҳеч қайси тадқиқот методи ва текшириш усули билан ижодкор оламини тўлиқ кашф этиб бўлмайди. Лекин ижодкор болалик ҳақида сўзлаганда, бола образига мурожаат этганда унинг қалб қаъри, шуури чукурроқ очилади. Чунки, болаликка мурожаат ўз-ўзини саволга тутмоқ ва бу саволга жавоб изламоқлиқдир. “Болалик – бу миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар инсон ҳаётининг объектив мавжуд даври бўлиб, унинг учун қалбнинг ўзига хос ҳолати ва дунёни ўзгача хис этиш характерлидир”[1,9]. Болаликка мурожаат дунё ҳалқлари орасида санъат ёки илм-фан воситасида қадимдан у ёки бу шаклда мавжуд бўлган. Бу мурожаатларнинг умумий жиҳати шундаки, болалик мавзусига болаликдан сўнг уни қўмсаш, унга қайтиш истаги билан кўл урилади. Дастрлаб юон файласуфи Пифагор диний маънода қўллаган, кейинчалик Арасту санъатга нисбатан тадбиқ этган катарсис таълимоти ҳам бевосита болалик билан

боғлиқдир. Дилдан ғубор кетганда, кўз ёш тўкканда одам покланади. Ўша пайтда у болалик ҳолатига, болалик давридаги бегуборликка қайтади. Демак, катарсиснинг – покланишнинг моҳиятида ижтимоий ғамташвишларни унутиш, нафсни енгиш шаклидаги болаликка қайтиш лаззати бор.

Биология илмидаги эволюцион таълимот бадиий адабиётдаги бола образига ҳам дахлдордир. Мумтоз адабиёт тарихида бола образи қадимдан эволюцион шаклда – босқичма-босқич шаклланиб, ривожланиб борган. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади фактик материаллар асосида реал ҳаётдаги болалар билан ўзбек мумтоз адабиётидаги бола образларини қиёслаш орқали бола тимсоли асосларини, генезиси ҳамда ўзаро муносабатларини ўрганишдан иборат.

Маълумки, болалик энг қадимги пайтларданоқ ҳалқнинг урф-одатлари ва маросимларида яшаб келган. Рус тадқиқотчиси Ф.Буслаевнинг фикрича, ҳалқ қачон бўлмасин ўз мифологияси, ўз тили, ўз қонунлари, ўз урф-одатию расм-русумларини тасвирлаганини эслай олмайди. Болалик билан ҳам шундай. Болаликнинг бадиий маконга чиқиши поэтик ижодиётнинг бошланиши каби қоронғу, тилнинг

ўзи яратилган тарихдан илгариги даврлар қаърида йўқолиб кетади. Қадимдан шаклланиб бўлган ва фақатгина ўтмишнинг бир қисми сифатида қолган болалик келажакка интилади, лекин умрбод ўзида қайтишнинг жозибасини сақлаб қолади. К.Юнг бекорга инсоннинг она қорнига қайтишга бўлган истагини, болаликка қайтишга интилишини мифологик архетипларнинг энг қадимгиларидан бири, деб ҳисобламайди.

Болалик инсон ҳаётининг вақт бўлаги сифатида ҳам ва вақтдан ташқари категория сифатида ҳам ҳар доим қадимги ижодиётнинг вориси бўлган мумтоз ўзбек адабиётининг қизиқиш марказида бўлган. Буғунга қадар ҳам замонавий ўзбек ёзувчилари мумтоз ижодкорларнинг хулосаларига қўшилиб, гоҳида улар билан баҳслашиб, ижодий қарашларга қайта-қайта мурожаат қиласидилар, мумтоз адабий меросдан ғоялар оладилар. Рус тадқиқотчиси Е.В.Гусеванинг таъкидлашича, болалик мавзусининг таъсири остида нафақат конкрет муаллифнинг бадиий оламига, шу билан бирга, даврларнинг ўзаро товуш бериб йўқлама қилишига ва замондошларнинг бир-бирлари билан диалогларига назар солиш мумкин [2,4]. Бадиий асарда болалар характеристерини ифодалашга қизиқишининг пайдо бўлиши фалсафа ва педагогиканинг ривожланиши билан боғлиқ. Жаҳон адабиётшунослигига илк бор болалар характеристига қизиқиш ақл-идрокка сифиниш ва инсонни ўзгартириш мумкинлигига ишонч бўлган Уйғониш давридан бошлангани таъкидланади. Бадиий адабиётда бола образидаги етук ҳислатларнинг мужассам бўлиши, унинг ибрат намунаси қилиб тасвирланиши бу халқнинг ва ўша халқа мансуб ижодкорнинг дунёқараши билан боғлиқ бўлиб келган. Шарқда баркамол инсон болалиқдан баркамол бўлиши керак, деган тушунча мавжуд. Бу тушунчанинг назарий асосларига диний-фалсафий, илмий-бадиий асарларда замин яратилган. Хусусан, А.Н.Форобийнинг фикрича, фозил одамлар шахри ҳокимида 12 та фазилат болалиқдан шаклланган бўлиши зарурлиги таъкидланади. [3,160] Хусусан, у туғма олийҳимматли, одил ва рўстгўй, саботли ва жасур бўлиши уқтирилади. Зоро, болалиқдаги ҳислатлар табиий ҳислатлар бўлиб, улар кейинчалик ижтимоийлашади.

Арасту фалсафаси бўйича инсонга икки нарса хос бўлиб, улардан бири табиатдан олинган. Иккинчиси – ният-ҳоҳиш бўйича. Болалик даврида инсонни айнан мана шу

табиий интилишлар бошқаради, шунинг учун ҳам табиатан интилиш ва мақсадлар эзгу бўлади ҳамда бу интилишлар болаларда софликни юзага чиқаради. Софлик, беғуборлик, аввало, ният ва ҳоҳиш табиийлиги, поклиги билан белгиланади.

Мусулмон Шарқида тарих китобларининг аввали Одам алайҳи-с-салом ва Пайғамбарлар тарихи, сўнgra подшоҳлар авлоди ҳақида бўлиб, бундай асарлар диний-мистик, панд-насиҳат руҳида ёзилганлиги билан характерлидир. Инглиз файласуфи Г.Спенсернинг “Асосий ибтидо” (1897) асарига таянсақ, диний туйғуларга поэтик тафаккурнинг қадимиёроқ шакли сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам мумтоз адабиёт намуналарида болалик мавзуси ва бола образига турли поэтик вазифалар юкланган. Хусусан, Куръони Каримнинг “Инсон” сурасида жаннат аҳлига мангу ёш, ҳеч қаримайдиган ёш болалар хизмат қилиши, уларнинг гўзлilikлари ва рангларининг тиниқлиги сочиб юборилган марваридни эслатиши айтилади [4,477]. Мана шу биргина оятнинг ўзида болаликнинг мангулиги, беғуборлиги улуғланмоқда. Ёки бадиий асар сифатида ҳам кишини лол қолдирувчи “Юсуф” сурасида у 12 ёшида туш кўради. Туш кейинчалик ўнгга айланади. Ушбу туш мотивида тақдирнинг болалиқдан маълум қилиниши, буюк инсонларнинг болалиги турли синоат ва перипетияларга бой бўлиши тасвирланган. Бундан ташқари, Юсуфни Зулайҳо ёлғонидан масъум бир гўдак асраб қолади. Тангри Таоло Юсуфни гўдак гувоҳлиги билан асраб қолишида гўдакка хос беғуборлик, ростлик ҳислатлари бор. Умуман, диний китобларда болалик мангулик, беғуборлик, ростлик, поклик рамзи сифатида илоҳий нурлар билан тасвирланади, бу кейинги асарлар учун ўзгармас анъана тусини олади.

Олтин Ўрда адабий мухитининг намунаси бўлган “Қисаси Рабғузий” бадиий асар сифатида қимматлидир. У 72 мустақил қиссадан иборат. Қиссаларни таҳлил қилгани, қиёслагани, ишончлисini ажратгани учун ҳам муаллиф уни ўз номи билан “Қисаси Рабғузий” деб атайди. Асар бошқалардан тузилиши ва тили, муаллифнинг олим сифатида билдирган муносабати билан фарқланади. Ундаги ҳар бир қисса сюjetи ягона қаҳрамон тасвирига йўналтирилганлиги билан маълум даражада субъектив жанрга хос хусусиятларни ифода этади, яъни бу субъективлик ягона қаҳрамон ҳаёти саргузашт ва кечинмаларига асосланишида намоён бўлади. Айнан Рабғузийдан бошлаб қисса жанри истилоҳий

ИЛМИЙ АХБОРОТ

маъно касб эта бошлаган. Адабиётшунос Н.Раҳмоновнинг фикрича, қисса Рабғузийда адабий термин сифатида қўлланган [5,237].

“Қисаси Рабғузий” агиографик асар сифатида изчил хронологияга асосланган. Унда ҳар бир пайғамбарнинг қиссаси уларнинг туғилиши, болалиги, кейинги ҳаёти тасвири билан кетма-кетлиқда келтирилади. Масалан, Сулаймоннинг шоҳ бўлиши ёшлигидан маълум бўлади, у хатни очмай ўқииди [6,31]. Худди шунингдек, илоҳий туғилиш, кенжा фарзандлик, саргузаштларга бой болалик лавҳалари бошқа набийлар қиссаларига ҳам дахлдордир. Ўзигача яратилган қисасул анбиёлардан фарқли равишда Рабғузий қисса жанрига фалсафий-аҳлоқий, маънавий қарашларни сингдирди. Пайғамбарларнинг ҳаётда маълум бир босқичга эришишларини ёш, давр нуқтаи назаридан фалсафий асослаб беради. Жумладан, Мұхаммад с.а.в. қиссасида шундай холоса бор: “Аймишлар, эрнинг 7 ёшинда тиши тушар, 15 ёшида расида бўлур, 21 ёшға теги бўйи ўсар, 40 ёшға етса аъло ақли камол. Расул қирқ яшади эрса Жаброил ялавочлиқ тегурди” [6,120]. Яъни, йигит кишининг 7 ёшида тиши тушиб, 15 ёшида вояга етади, 21 ёшгача улғайиб, 40 ёшида камолотга эришади.

Болалик дунёсига сайр, уни тадқиқ этиш ҳамиша долзарб ва мароқлидир. Айниқса, даҳо ижодкорларнинг бутун ижодий фаолиятига, тахайюл оламига ҳамиртуруш бўлган болалик онларини тадқиқ қилиш бадиий ижод ва ижодкор психологияси учун янги қирраларни кашф этади. Бир сўз билан айтганда, бадиий ижод асоси, даҳоликнинг пойдевори болалиқдан шаклланади.

Алишер Навоийнинг болалик даври сир-синоатларга, турли тарихий воқеаларга, тақдир сийловлари ва синовларига тўла. Унинг болалик даври ёшлигиданоқ атрофдагиларда эътибор ва қизиқиш уйғотиб келган. У саккиз ёшлигига ёш гўзал хуљи билан тарих китобига кирган. Бугунга қадар Навоийнинг болалиги ҳақида бадиий адабиётда Л.Бать, М.Ойбек, М.Осим каби ижодкорлар томонидан ёш Алишер тимсоллари яратилган. Адабиётшуносликда эса, унинг ҳаётлигига ёш замондошлари бола Алишерни кашф эта бошлаганликлари таъкидланади. Жумладан, муаррих Хондамирнинг “Макорим ул-аҳлоқ”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” асарида, замонавий адабиётшуносликда Ойбекнинг “Навоий ҳақида сўз (А.Навоийнинг ёшлиги)”, И.Султоннинг “16 ёшинда олам фикри бошинда”, “16 ёшли Навоийнинг тўрт шеъри”,

А.Қаюмов, А.Ҳайитметов ҳамда С.Фаниеваларнинг бир қатор мақола ва эсселарида, С.Олимнинг “Шоирлар султони” каби тадқиқот ва мақолаларда даҳо ижодкорнинг болалик даврига мурожаат этилади.

Айтиш керакки, Навоийнинг болалигини тадқиқ этишда энг ишончли манба унинг ўз асарларидир. У ўз болалик даврини фактлар асосида жуда аниқ тасвирлайди. Жумладан, “Лисон ут-тайр” асарининг “Бу китоб назмида ўз муносабатининг тақриби” [7,293] бобида кичикликдан “Каломуллоҳ”, “Гулистон” “Бўстон” каби асарларни мутолаа қилганини, айниқса, Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини сўзма-сўз ёд олганини, бир умр мана шу асар таъсирида яшаганини таъкидлайди.

Бизга маълум манбалардан англашилишича, Навоий кичикликдан инжиқ ва талабчан бўлган. Футувват ва сўфиийлик куртаклари унда болалиқдан уйғонган. Мирзо Бобурнинг ёзишича, “Алишербекнинг мижози нозук била машҳурдир. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эрдилар. Андоқ эмас экандур. Самарқандта эканда ҳам ушмундоқ нозук мижоз экандур”. [8.153] Бундан ташқари, “Ҳайрат ул-аброр” асарида ёзишича, Навоий бадиий тўқима, муболаға, фантазия ҳақида ёшлигидан уйлай бошлаган. Бунга сабаб қилиб ижодий таъсири манбаи сифатида “Мантиқ ут-тайр”ни келтириш мумкин. Юқоридагилардан хulosаланиш мумкинки, Фаридуддин Аттор асари мурғак Алишер хаёлот олами шаклланишида пойдевор вазифасини ўтаган.

Алишер Навоийда болалик тасвири “тифл”, “атфол”, “туфулият”, “бала”, “сигар”, “йигитлиғ”, “ёшлиғ”, “шабоб” каби сўзлар билан ифодаланади. Навоий асарларида нафақат ўз болалик даврини, балки қаҳрамонлари болалик даврини ҳам бадиий тасвирлайди. Навоий асарларида бола образи болалик психологияси, болалик характеристидан келиб чиқиб ёритилади. Ундаги ҳар бир қаҳрамон фольклор ва мумтоз асар анъаналарига хос равишда болалик давридан бошлаб асарга кириб келади. Жумладан, “Ҳайрат ул-аброр”нинг 8-бобида Мұхаммад пайғамбарнинг, “Ҳамса”нинг қолган достонларида Фарҳоднинг, Қайснинг, Искандарнинг, “Тарихи мулуки ажам”да Нўширавоннинг болалик даврлари тасвирланади, уларнинг камолоти учун асос бўлган воқеа-ҳодисалар, ҳислатлар мисоллар орқали кўрсатилади. Масалан, севикили ёри билан боғдаги учрашувда Нўширавоннинг